
ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

9 май куни иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев иштирокида ўтказилган видеоселекторда фарғоналик бир гуруҳ уруш фахрийлари ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари юрт озодлиги ва тинчлиги учун курашган, шафқатсиз жангларда мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, бугунги кунда фарзандлари, нева-чевалари даврасида умргузаронлик қилаётган дуогўй нуронийларни байрам билан табриклаб, уларга самимий тилакларини билдирди.

Табрик олқишлар билан қарши олинди.

Кексайиб қолган бўлсалар-да, қалбларида ўша оловлик йилларнинг шиддати сезилиб турган уруш фахрийлари Президентимизнинг эътибори ва эъзози, чексиз ғамхўрликлари учун миннатдорчилик сўзларини дилларидан тилларига кўчирдилар. Қўлларини дуога очишди.

Видеоселекторда иштирок этган вилоят ҳокими Ш.Ғаниев иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини табриклаб, уларга байрам совғаларини топширди. Вилоят ҳокими қаҳрамон оталаримиз жасорати унутилмаслиги, уларнинг ҳаёти ҳамиша биз учун ибрат мактаби бўлишини, нуронийларимиз насиҳати ва ўғитлари тинч-осойишта, фаровон кунларимизда доимо асқотишини алоҳида таъкидлади.

Юрт тинчлиги, осуда ҳаётимиз учун мардонавор курашган оталаримиз шарафига тўкин дастурхон ёзилди.

Вилоятимизнинг таниқли санъаткорлари иштирокида байрам концерти намойиш этилди.

Қўшиқларда тинчлик, бугунги бахтли ҳаётимиз тараннум этилди.

Шу куни вилоят ҳокими Ш.Ғаниев, Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги, вилоят куч ишлатар тузилмалари раҳбарлари томонидан Фарғона шаҳридаги “Мотамсаро она” ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди.

Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган жангчиларнинг табаррук номлари ёзилган Хотира китоблари варақланди.

Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Facebook, Telegram, Веб сайт, YouTube

2020-05-09 17:40:02